



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЮТИ

2 / 2021



O‘ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

uzbek tili va adabiyoti

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

2
2021

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Маматкул ЖЎРАЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Наим КАРИМОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Ёркинжон ОДИЛОВ

Эргаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)

Шомирза ТУРДИМОВ

Бокижон ТЎХЛИЕВ

Алмаз УЛВИЙ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Курдош ҚАХРАМОНОВ

Улуғбек ҚАМДАМОВ

Иброҳим ҚАҚҚУЛОВ

Француз олимнинг Фитрат диккат-эътиборини козонган бу эътирофнома икки томондан аҳамиятли. Биринчидан, бу унутилаёзган ҳақиқат муаллифнинг хали талаба бўлишига карамай, жаҳон халқлари тарихини, шу жумладан, Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро муносабатларини пухта ўргангани, бинобарин, ақл ва заковати юксалгани ва ўз ватандошларига миллий тараккиёт йўлини кўрсатиш ҳуқуқига эга эканидан шаҳодат беради. Иккинчидан эса, модомики, Шарқ, хусусан, Туркистон халқлари ўтмишида шундай тараккиёт босқичига кўтарилган ва ҳатто Ғарб халқлари улардан кўп нарсани олган эканлар, демак, бу халқлар яқин келажакда ҳам ўзларининг илгариги мавқеларини тиклашлари мумкин, фақат бунинг учун улар илм ва фанга катта иштиёқ билан киришишлари лозим, деган асар ғояси муайян бир заминга эга, ишонарли ва ишонтирарли ғоя ўларок жаранглайди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Фитратнинг "Ҳинд сайёҳи баёноти" асари маърифатпарварлик ғояларининг ўз даврининг сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари билан уйғунлашиб кетгани жиҳатидан таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализировано произведение "Хинд сайёҳи баёноти" ("Заявление индийского путешественника") Фитрата с точки зрения гармония идеи просветительства с политическими и правовыми проблемами своего времени.

RESUME. The article analyzes Fitrat's "Statement of the Indian Traveler" in terms of the harmonization of Enlightenment ideas with the political and legal problems of his time.

Таянч сўз ва иборалар: Фитрат, "Хинд сайёҳи баёноти", маърифатпарварлик ғоялари, хинд сайёҳи, тасвир, услуб, ифода, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: Фитрат, "Хинд сайёҳи баёноти" ("Заявление индийского путешественника"), просветительские идеи, индийский путешественник, описание, стиль, выражение, мастерство.

Key words and word expressions: Fitrat, "Indian Traveler's Statement", Enlightenment Ideas, Indian Traveler, Image, Style, Expression, Skill.

Гулноза ЖЎРАЕВА

БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНИНГ ЎРНИ

Болалар адабиётида ҳажвий образнинг майдонга келиш жараёнларини кузатиш муҳим. Болалар адабиёти – бегубор адабиёт. Унда болаларга хос турфа туйғулар, орзу-умидлар, идеаллар ўз аксини топади. Айни чоғда болалар шеърияти ҳам инсоният болалиги сингари содда ва бегубор самимиятга йўғрилган. Ушбу маънавий ҳудуд инсониятнинг бир парчаси сифатида унинг кечмишидаги бутун мураккаблик ва зиддиятларни ўзига хос тарзда намоён қилади. Шу боис болалар, бир томондан, ақлли, мард, жасур, қўрқмас, адолатпарвар, виждонли, ватанпарвар бўлишса, иккинчи томондан, шўх, ўйинқарок, тўполончи, дангаса, ялқовлиги, баъзан эса нафсини тиёлмаслиги, ширинликка ўчлиги, очофатлиги билан диккатни тортади. Болалик олами айни шу жиҳатлари билан катталар оламидан фарқланади. Маълумки, психологик нуқтаи назардан катталарда характер хусусиятлари тўлиқ шаклланган бўлиб, ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага ақл-мушоҳада орқали ёндашади. Катталар орасида учрайдиган салбий типлар ўзига хос барқарор табиати билан фарқланиб туради ва уларнинг адабиётдаги тасвири ҳам алоҳида ҳажвий бўёқларни тақозо этади. Кичкинтойлар оламида нисбатан бекарорлик мавжуд. Улар табиатида учрайдиган баъзи бир нуқсонлар, қусурлар вақт ўтиши билан ақлнинг қуюлиши, фикрнинг тиниклашуви, ўқиш, билим олиш ва турли тарбиявий воситалар натижасида ижобий томонга ўзгариши мумкин.

"Болалар адабиётидаги ахлоқийлик сўқмоқлари ниҳоятда турли-туман ва ўзига хос турфа хусусиятларга эга бўлса-да, ҳайратланарли жиҳати шундаки, уларнинг барчаси шоирни ҳажвиёт йўлига олиб чиқади. Чунки биз мурожаат қилаётган китобхон ёхуд тингловчининг ўзи ҳам табиатан шундай"¹. Болалар табиатида кўп учрайдиган мактанчоқлик, дангасалик, ёлғончилик, ўйинқароқлик, чакимчилик, очофатлик иллатлари болалар шеърлятидаги асосий ҳажвий тасвир унсурларидир. Шу боис ҳам болалар шеърлятининг каттагина қисмини ҳажвий асарлар ташкил қилади. Ҳ.Имонбердиевнинг бир қатор шеърлари бу жиҳатдан ибратлидир. Шоир "Ўқ" ва "Оху" шеърларида ёвузликни қоралаб, унинг охир-оқибат ҳалокатга маҳкум эканини қаламга олади. Маълумки, ўқ салбий мазмунга эга бўлиб, кўпчиликнинг тасавурида рақибларни маҳв этиш учун қўлланилади. Бироқ у аслида эзгу мақсадларга ҳам, ёвуз мақсадларга ҳам хизмат қилиши мумкин. "Ўқ" шеърдаги ўқ мажозий тимсол бўлиб, гарчи у ёвуз мақсадда ишлатилса-да, ёвузликнинг ўзини маҳв этиши ҳам мумкинлиги бадиий лавҳаларда гавдалантирилган.

Ёвуз кимса камондан ўқ узади. Камон қора ажал тимсолида нишон излаб учиб борар экан, йўлда она жайрон рўбарў келади. Она жайрон уйда болалари кутаётганини айтиб, ундан ўзига тегмаслигини сўраб ёлворади. Ўқ нишондан воз кечиб, жайроннинг ёнидан ўтиб кетади. Йўлда дуч келган чинор ҳам бағридаги инларда палапонлар борлигини айтиб додлайди. Шунда ўқ бу нишондан ҳам воз кечиб, ерга – она заминга юзланади. Она замин эса шусиз ҳам юрак-бағри ўчмас доғ, юз минглаб яра-чакаси борлигини айтиб, унга танбех беради. Чорасиз қолиб ҳолдан тойган ўқ яна отилган жойига қайтиб келади. Шеър куйидаги ибратли хулоса билан якунланади:

*Худди шу пайт шум киши
Бошқа ўқни жойларди.
Алам-ла қайраб тишин,
Кимларнидир пойларди.*

*У ҳеч қулоқ қоқмади
Ажалнинг шарпасига.
Учиб келиб санчилди
Ўқ шундоқ орқасига...²*

Геометрия фанида ўз ўқига параллел равишда ҳаракатланаётган предмет охир-оқибат ҳаракат бошланган жойга қайтиб келиши ҳақидаги қонун бор. Шоир ўз шеърини мактаб ўқувчиси, яъни ёш бола яхши биладиган ушбу қонунга мувофиқ тарзда яратган. Демак, камон ўқининг ер атрофини бир марта айланиб, яна ўзи отилган жойга қайтиб келиши ва ўзини ёмон ният билан отган ёвуз ниятли одамнинг орқасига санчилиши ҳам рамзий йўсинда ишонарли тасвирланган. Асарни ўқиган ёш китобхон эса: "Бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг тушасан", деган ўзбек халқ мақолини ҳам эслайди ва унинг нақадар тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Бундан ташқари, ўқувчини кимнингдир қўлида "ўқ" бўлиб қолмасликка ўргатади. Унда ҳеч нарса бир вақтнинг ўзида буткул ёвуз ёки буткул эзгу бўлмаслиги ҳақидаги тасавурларни уйғотадики, бу – болалар адабиёти бугунги кунда муҳтож бўлиб турган мотивлардан бири.

¹ Б е г а к Б. Дети смеются. – М.: "Детская литература", 1979. – С. 114.

² И м о н б е р д и е в Х. Ғаройибкент хангомалари. – Тошкент: "Чўлпон", 1994, 63-бет. Кейинги мисоллар шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

"Оху"
образи орқа
браконьерле
отиб, ов қил
қилишади ё
ёвузлар қўл
қўзларидан
улоқчадан
тўлган улоқ
боради. Ушб

Бу ше
шафқатсизли
ойдин тус
шафқатсизли
маҳв этили
мустаҳкамла
ёмонлик қил
ўша чоҳга ў
тасвир етак
китобхон на
нафратланга
тарбиявий в
катта ижт
ифодаланиш
асарларнинг
насихатомуз
"Ҳамён
қуйидагича

Шеърд
қасалликнинг
виждонига
врачнинг сан
қаҳрамонини
айтишидан
йўлида қил

"Оху" шеърда ёвуз кучларнинг қилмишлари "Қора қути" мажозий образи орқали тасвирланади. "Қора қути", яъни машина миниб олган браконьерлар йўлда учраган жониворларни қўлларига милтик билан отиб, ов қилиб юришади. Йўлда учраган она жайронни ҳам отиб ярадор қилишади ва бу билан ҳам чекланмай, пичок тортишади. Онасининг ёвузлар қўлида нобуд бўлганини кўрган охунинг боласи – улоқчанинг кўзларидан оққан ёш қизил гулга томади. Гул эса ердан бош кўтариб, улоқчадан ўзини ҳидлашини сўрайди. Гулни ҳидлаб, дадилланиб кучга тўлган улоқча браконьерлар олдидан югуриб ўтиб, тубсиз жарга бошлаб боради. Ушбу ҳолат шеърда қуйидагича тасвирланади:

*Оху шиддат билан келиб,
Туман сойдан учади.
Фарзандини она каби
Қиргоқ енгил қучади.*

*Ўқирганча "Қора қути"
Изма-из келиб тикка,
Англаёлмай не бўлганин
Шўнгиб кетар эсарликка... (59)*

Бу шеър ҳам ижодкорнинг кейинги пайтда табиатга нисбатан шафқатсизлик авж олиши, одамлар қалбидаги ёвузлик иллатлари очиқ-ойдин тус олиши оқибаглари ҳақидаги фикрлари маҳсули. Табиатга шафқатсизлик қилган ёвузлик кучлари эзгулик тимсоллари томонидан маҳв этилиши, айниқса, ёш китобхоннинг келажакка ишончини мустаҳкамлаши нуқтаи назаридан эътиборга сазовордир. Бола бировга ёмонлик қилгучилар – бировга чоҳ қазиган тубан кимсалар, охир-оқибат ўша чоҳга ўзлари бориб тушишларини аниқ тасаввур этади. Фожиавий тасвир етакчи усулга айланган ҳар иккала шеърда ёвузлик кучлари ёш китобхон нафратига, қаҳр-ғазабига дучор бўлишади. Ва бола ҳеч қачон ўзи нафратланган инсонга ўхшашни истамайди. Демакки, шеър ўзининг тарбиявий вазифасини бажаради. Бу ҳол болалар шеърлятида ҳам жуда катта ижтимоий-маънавий муаммолар юксак бадиийлик билан ифодаланиши мумкинлигини тасдиқлайди. Бинобарин, бундай асарларнинг маърифий киммати, бадиий-эстетик таъсир қуввати курук насихатомуз йўсинда ёзилган шеърлардан ўн чандон ортиқроқдир.

"Ҳамён" шеърда шоир ҳамён топиб олган боланинг руҳиятини қуйидагича тасвирлайди:

*Келиб-келиб ўша ҳамённи
Қайдан кўра олди кўзим ҳам.
– Бу кимники? – дердим шекилли,
Эшитмадим ҳатто ўзим ҳам.
("Ғаройибкент хангомалари", 30).*

Шеърда касал бўлиб ётган боланинг онаси шифокордан касалликнинг асл сабабини яширади ва шу орқали боланинг кўз олдида виждонига зид иш қилган Она қиёфасида гавдаланади. Шеърда Она врачнинг саволларига тўғри жавоб бера олмай хижолатда қолади. Асар қаҳрамонининг пушаймонлик туйғуси онанинг боласи учун иложсиз ёлғон айтишидан туғилган пушаймонликка ҳамоҳанг. Эҳтиётсизлик, нафс йўлида қилган хатоси қандай оғир фожиаларга олиб келиши

мумкинлигини лирик қахрамон ич-ичидан хис қилиб, рухий изтиробда қолади. Ҳамёндаги пулнинг бунчалик қимматга тушишини билмабман, дея изтироб чекади. Муҳими шундаки, шоир шеърларида ҳажв тиғига олинган айрим иллатлар фақат ўша шеърлар қахрамонларигагина тааллуқли бўлиб қолмасдан, инсон имон-эътиқоди билан боғлиқ ижтимоий-маънавий иллат даражасига кўтарилади. Натижада, шу хилдаги асарларни ўқиган китобхон ҳаётда нима яхши-ю, нима ёмонлиги хусусида муайян тарбиявий хулосага келади. Айни чоғда мазкур шеърлар катталар ва болалар ўртасидаги муносабат, айниқса, она ва бола муносабатларининг ниҳоятда нозик ва масъулият талаб этадиган жараёнлигидан далолат беради. Ҳар иккала шеърни ўқиган китобхон уларда тасвирланган она сиймосининг икки хил тимсолига дуч келиб, уларни қиёслаш орқали муайян хулосаларга келади, бола маънавий олами шаклланишида оналар ролининг нақадар катта ўрин тутишига яна бир қарра амин бўлади. Шеърда уят ўлимдан қиммат эканлигига ҳам ишора мавжуд. Ахир, она боласининг "ҳамён ўғриси" эканини яширмоқда. Болалар шеърни ўқиркан, ўз оналарини уялтирмаслик ҳақида ҳам ўйлай бошлайдилар. Ҳатто "кимники?" деб сўраганини ўзи ҳам эшитмагани ҳам аччиқ кулги, аслида.

Ҳ.Имонбердиевнинг адабий мероси ўзбек болалар шеърятининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган намуналаридан бўлиб қолди. Ана шундай ижодий анъаналардан бири болаларнинг сатирик образини яратишда шартлиликдан фойдаланишдир. Шоир ушбу анъанадан ижодий фойдаланиб, бир туркум ҳажвий шеърларида мажозий образ ва деталлар орқали болаларнинг сатирик образини яратди. "Ширинликлар ороли", "Эшиқлар исёни", "Ноёб мол", "Ул", "Турди, ўғри ва кетмон", "Таъмсиз олмалар", "Олабўжи" каби шеърлари, "Аждарҳо комида", "Адолатнинг қалити" каби эртак-достонлари шулар жумласидандир. У мазкур асарларида хаёлот, фантазияга эрк беради, болаларнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб, шартлилик асосида худбинлик, ёвузлик, очофатлик каби кўплаб иллатларни сатира тиғи остига олади, заҳарханда кулги билан аёвсиз фош қилади.

"Ширинликлар ороли" шеърда жуғрофия фанидан бўлаётган дарсда 5-синф ўқувчиси Холвойнинг хом хаёллари баён этилади. Дарс жараёнида Холвой: "Қани энди, ширинликлар ороли бўлса-ю, Робинзонни ҳам йўлда қолдириб, маза қилиб яшар эдим", деб орзу қилади. Шу чоғ уни ханг-манг қолдириб, жарчилар кема ширинликлар оролига жўнаётганини эълон қилади. Бу оролда болаларни шоколадли палма, "пепси-кола" кутармиш. Лекин кемага ўтиришнинг кичкинагина шарти бор – "имтиҳон" топшириш керак. Ҳар бир бола ярим пақир асал, "обидандон, пашмак, парвардадан уч товоқ, беш-олти торт ҳам юз дона музқаймоқ" еса бас. Холвой учун бу имтиҳон ҳеч гап эмас:

*Имтиҳонни зумда Хол
Қойшлатиб топширди.
"Тўймадим" деб тамшаниб,
Ҳакамларни шоширди.*

(*"Ғаройибкент хангомалари"*, 71).

Холвойнинг номақбул ва кулгили хатти-ҳаракатлари ўқувчида заҳарханда кулги уйғотади. Шоир ширинликка ўч болаларнинг палубада уёқдан-буёққа бетокат юришларини тасвирлар экан, баднафс Холвойнинг очкўзлигини авж нукталарга кўтаради. У шу даражада бетокатки, ҳатто дўсти Нор ҳам кўзига шоколад бўлиб кўринади. Шу пайт кеманинг

ширинлик
болаларни
елкан, кей
бир зумда т
уларнинг э
сатирик ки

... Бе
вой, қутқар
масаланинг
юпата бош

Кўри
сукатой бо
ширинлик
Шу тарика
уйғулаши
қилинади.

мазкур шет
эмас. Буни
панд-насих

Шоир
қоралайди.
бошланади.
У илгарил
милиционе
оёққа тура
қилишади,
чиккан зан
дарахтнинг
кетмонни о
оғриғи ҳам

Шеър
танланган.

масала мох
мисралар б
бўлган ялқ
этилади. Ш
муолажа п

ширинликдан ясалгани хусусида хабар тарқалиб қолади ва ширинликка ўч болаларнинг барчаси ўзлари сузиб кетаётган кемага ташланишади. Аввал елкан, кейин мачта, каюта, штурвал, кутқарув чамбараги, хуллас, барчаси бир зумда талашиб-тортишиб еб тугатилади. "Ирис"дан ясалган лангар ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмайди. Шоир Холвойнинг шу жараёндаги сатирик кифасини шундай чизади:

*Холвойнинг жағи тинмас ҳеч,
Канор қондай шишса ҳам.
Чанқоғи қонмас сира
Ўн челақ сув ичса ҳам
("Ғаройибкент хангомалари", 73).*

... Бешинчи "б" синфда жуғрофия дарси борарди. Холвойнинг: "Додвой, кутқаринг", – деган қичкириғидан болалар олдинга чўчиб тушишади, масаланинг асл сабабини англашгач эса хандон отиб кулишади ва уни юпата бошлашади.

Кўришиб турибдики, Холвой ширинликка ўч, нафсини тиёлмайдиган суқатой болаларнинг сатирик тимсолидир. Бу образни яратишда шоир ширинликлар ороли мажозий образидан моҳирлик билан фойдаланади. Шу тарика шеърда реалистик тасвир билан мажозийлик, муболаға ўзаро уйғунлашиб, шартлиликка асосланган заҳарханда кулгини ҳосил қилинади. Агар болаларнинг ширинликка ўч бўлиши назарда тутилса, мазкур шеърнинг ҳаётий моҳияти нечоғлик муҳим эканини сезиш қийин эмас. Бунинг ҳажв орқали тасвирлаш ва болаларга етказиш эса анъанавий панд-насихат усулидан анча самарали бўлади.

Шоир "Турди, ўғри ва кетмонвой" шеърда ҳам очкўзликни коралайди. Шеър Турдининг "ўғри урди" деб додлаш ҳолати тасвири билан бошланади. Маълум бўлишича, Турдининг иштаҳасини ўғирлаб кетишган. У илгарилари тушида ҳам овқат еб тўймас эди. Ота-онаси ўттизта милиционер ва кўплаб докторлар билан унинг иштаҳасини топиш учун оёққа туради. Иштаҳасини очиш учун ҳар хил дорилар билан муолажа қилишади, бироқ фойдаси бўлмайди. Турдининг ушбу ҳолатидан жаҳли чиққан занг босган кетмон ўғрини топишга ваъда қилади. Бунинг учун дарахтнинг тагини юмшагиб, гулзорни текислаш шартини қўяди. Турди кетмонни олиб ишга киришади ва ер чопган сари кўнгли кўтарилиб, бош оғриғи ҳам қолади:

*Иштаҳа очилди ланг,
Турди ҳайрон турар ҳангу манг.
Гулзорни ҳам чопиб,
Йўқотганин олди топиб.
Дўстлар, айтинг, очиқ, тўғри,
Сездингизми, ким у ўғри?
("Ғаройибкент хангомалари", 44)*

Шеърда тасвир аниқ, муаммо ҳам, ифода йўсини ҳам тўғри танланган. Ўқувчини кулдириш орқали бошланган шеър якунида ҳам масала моҳияти очиқ-ойдин – "меҳнат қилсанг топасан" кўринишидаги мисралар билан тугамайди. Шеърда шу тахлит Турди характериға хос бўлган ялқовлик, дангасалик, очкўзлик иллатлари кулги воситасида фош этилади. Шеърни ўқиган китобхон ўғрилиқ, кетмоннинг шарти, Турдини муолажа қилиш эпизодлари билан танишар экан, гарчи бундай

вокеаларнинг реал ҳаётда содир бўлмаслигини билиб турса-да, иштаҳанинг топилишига чин кўнгилдан ишонади.

Шоирнинг "Эшиклар исёни" шеърида ижтимоий-маиший турмушда учраб турадиган ёлғончилик ва уятсизлик, фирибгарлик иллатлари шартлилик воситасида тасвирланади. Шеър эшикларнинг одамлардаги турли иллатларга қарши исёни тасвири билан бошланади. Салбий иллатларга дучор бўлган, ёлғон сўзлаб, одамларни алдаган, фирибгарлик қилган одамларнинг барчасига эшиклар така-тақ беркилиб, кўплаб ярамас одамлар кўчада қолиб кетади ва сирлари очилиб, эл-юрт олдида шарманда бўлади.

Шеър халқ оғзаки ижоди оҳангида содда, самимий, кофияларининг табиийлиги билан ажралиб туради. Шеърда, айникса, хон саройидаги ноҳўя аҳвол аёвсиз сатирик кулги билан фош этилганини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолат шеърда куйидагича тасвирланади:

*Хон саройига қараб
Одамлар кулар қотиб.
Чунки саройнинг бирон
Амалдори соғ-омон
Ўтолмайин эшикдан,
Кириб-чиқар тешикдан...
Кулар кўрган, эшитинг...*
(“Ғаройибкент хангомалари”, 19).

Маълумки, ҳар қандай иллат болалиқдан куртак отади. Бир қарашда болалар учун ёзилгандек туюлган ушбу шеър аслида қатта ёшли инсонлар учун ҳам аҳамиятли. Шоир ушбу шеърда ёлғончилик, фирибгарлик каби иллатларнинг келиб чиқишини эмас, балки қандай оқибатларга олиб келишини тасвирлаш билан қатталарни ҳам огоҳликка чақиргандай бўлади. Ёмон ишлар кун келиб фош бўлиши ва бу ишларни қилган одамлар эл орасида уялиб, кулгига қолиши мумкинлиги тасвирланади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада таниқли болалар шоири Ҳамза Имонбердиевнинг юмористик шеърлари таҳлили мисолида болалар шеърлятида ҳажвнинг ўрни масаласида мулоҳаза юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается роль сатиры в детской поэзии на примере анализа юмористических стихотворений известного детского поэта Хамзы Иманбердиева.

RESUME. The article discusses the role of comedy in children's poetry on the example of the analysis of humorous poems of the famous children's poet Hamza Imonberdiev.

Таянч сўз ва иборалар: болалар шеърляти, ҳажвий образ, бадийлик, рухият, анъана, фантазия, шартлилик, реалистик тасвир, мажозийлик, муболага.

Ключевые слова и выражения: детская поэзия, юмористический образ, художественность, психологизм, традиция, фантазия, условность, реалистическое описание, аллегоричность, гипербола.

Key words and word expressions: children's poetry, comic image, art, psyche, tradition, fantasy, conditionality, realistic image, figurative, rhetoric.

Орзигул ҲАМРОЕВА

ТАШРИҒ САНЪАТИДА БАДИИЯТ, ҚОФИЯ ВА ВАЗН УЙҒУНЛИГИ

Байтлардаги мисраларнинг ўзаро ички кофияга асосланиши асосида юзага чиқадиган бадий санъатлардан бири *ташриғ* бўлиб, баъзи олимлар

уни *ташриғ* Хусайний Унинг ўзи кофия асоси шеърнинг м келтирилга асосланиш

Ушбу
руқнлар с
Демакки,
бинамо –
Ўзаро коф
(равий) о
тизими ко
сўзларда
қўлланган
бирортаси
Агаф
мавжудли
мисралар
ички кофи
мусаддас
кейинги м

Му
кофиялар
келтирил
бўлақлар

¹ А
таржимаси

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

А.Собиров. Миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтишда давлат тилининг ўрни.....	3
Ш.Кўчимов. Маъмурий суд ҳужжатлари тилининг юрислингвистик тадқиқи.....	8
А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов . Халқаро терминэлементлар ва термин ижодкорлиги.....	14

Фольклоршунослик

М.Жўраев. Ўзбек фольклорида астраль мифлар типологияси.....	21
А.Эргашев. Дўмбира куйлари таснифига доир.....	29

Илмий ахборот

Х.Ҳамидов. Миллийликни қайта яратишда таржимон маҳорати.....	33
Ш.Имомназарова. Мавсумий маросим фольклорини ўрганишдаги муҳим манба.....	37
Ў.Рўзиева. Лукмон Бўрихон асарларида сайёр образлар.....	44
Р.Шарипов, Н.Ходжаева. "Ҳинд сайёҳи баёноти" хақида айрим мулоҳазалар.....	49
Г.Жўраева. Болалар шеърлятида ҳажвнинг ўрни.....	55
О.Ҳамроева. Ташриъ санъатида бадиият, кофия ва вазн уйғунлиги.....	60
А.Эшниязова. Қиссада рамзий-мажозий тасвир.....	64
Б.Жовлиев. Назар Эшонкул ҳикояларида мифологик образлар.....	68
Г.Раҳимова. Поэтик образ яратиш: анъана ва маҳорат.....	70
О.Абдурахмонова. Навоийнинг хоразмлик издоши.....	73
Б.Бўронова. "Юлдузли тунлар"даги шеърлий парчалар таржимаси.....	77
Ф.Бафоев. Ўзбек ва немис халқ мақолларида ҳайвонлар образи.....	81
А.Сабриев. "Ҳусну дил" дostonининг матний тадқиқи.....	85
М.Ҳафизова. Эркин Воҳидов ижоди шаклланишида "Ғайратий мактаби"нинг ўрни.....	88
М.Оманова. Саъдулла Сиёевнинг "Аҳмад Яссавий" романи хақида.....	91
Д.Матқурбонова. Чўлпоннинг "Тавхарой" хикоясида аёл тақдири тасвири.....	94
М.Мансурова. Ижодкор образининг ўрганилишига доир.....	98
О.Исманова. Рамзий тасвир маҳорати.....	101
Д.Собирова. Ўзбек болалар шеърлятида ономотопеядан фойдаланиш.....	103
Ж.Сиддиқов. Урбанолингвистика – тилшуносликнинг янги йўналиши сифатида.....	106
А.Ҳасанов. Иш қуроллари ва уй анжомлари билан боғлиқ диалектизмларнинг лингвистик аҳамияти.....	110
З.Мукимова. <i>Белида белбоғи бор</i> иборасининг лингвомаданий хусусиятлари.....	114
Д.Ўраева, Н.Ҳикматова. "Бозор" сўзи иштирокида шаклланган ясама сўз, бирикма ва иборалар.....	119
А.Расулова. Тил сатҳида майдонлараро боғланиш.....	122

Фанимиз захматкашлари

Ф.Сапаева. Уч халқ адабиёти хизматидаги олим.....	127
Ҳ.Ҳомидий. Ёшларнинг маънавий пешвоси.....	130

А.Собир
национального
Ш.Кучин
судебных доку
А.Мадва
терминотворче

М.Джура
А.Эргаш

Х.Ҳамид
своеобразия ор
Ш.Имам
фольклора.....
У.Рўзиев
Р.Шарип
индийского пут
Г.Джурае
О.Ҳамрае
А.Эшния
Б.Жовлие
Г.Рахимс
О.Абдура
Б.Буранов
ночи".....
Ф. Бафое
пословицах ..
А.Сабриев
М.Ҳафизо
Вахидова.....
М.Аманов
Д.Матқур
"Тавхарой".....
М.Мансур
О.Исманов
Д.Собирова
поэзии.....
Ж.Сиддиқ
языкознании.....
А.Ҳасанов
рабочими инстру
З.Мукимов
"белида белбоғи"
Д.Ураева,
фразеологизмы с
А.Расулова

Ф.Сапаева,
Х.Ҳомидий